

Ўзбек болалар адабиётининг кўзга кўринган вакилларида бири Зафар Диёрдир. У 1912 йили Наманган вилоятининг Чуст туманида камбагал дехкон оиласида тугилди. Аввал эски мактабда, сўнг Шўро даври болалар уйида таълим олди.

Бўлгуси шоир 1927 йилда Наримонов номли ўзбек Эрлар билим юртига ўқшга кириб, уни 1933 йилда аъло бахоларга тугатиб, ўша ерда адабиёт муаллими бўлиб хизмат килди. 1941 йилда эса Тошкент Давлат педагогика олий билимгоҳини тугатди.

Шоир ижоди гарчи эрта бошланган ва кўпгина шеърлари «Ленин учкуни», «Ёш ленинчи», «Ёш куч», «Колхозчи болалар» каби рўзномаларда чоп этилган бўлса ҳам, унинг «Кўшиқлар» номли биринчи шеърий тўплами 1933 йилда нашр этилади. Журналистика шоир фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. У аввал «Ленин учкуни» (1936-1941) рўзномасида масъул котиб, 1941 йилдан умрининг охиригача «Кизил Ўзбекистон» рўзномасида бўлим мудирини бўлиб ишлайди.

Шоирнинг «Кўшиқлар» тўпамидан сўнг «Тантана» (1938), «Шеърлар» (1939), «Бизнинг куралимиз», «Бизнинг оила» (1942), «Совга» (1944) каби шеърий мажмуалари босилади.

Зафар Диёр Иккинчи жахон уруши йилларида (1941-1945) ранг-баранг жанрларда самарали ижод килди. Унинг «Она алласи» (1942) кўшиги ўз вақтида ёзилган кўшиқ эди. Унинг «Курол беринг менга ҳам!» шеъри Хамид Олимжоннинг «Кўлингга курол ол!» асарига ҳамроҳ эди. Шунингдек, «Орзу», «Тимурчилар мактуби», «Отам келар яқинда», «Табассум» «Тўққизинчи май» каби шеърлари ёшларни қахрамонлик, ватанпарварлик ва биродарлик руҳида тарбиялашда муҳим рол ўйнайди.

Зафар Диёр моҳир болалар шоири бўлиши билан бирга болаларнинг суюкли драматурги ҳам эди. Унинг уч қисмдан иборат «Бахтли ёшлик», «Уч оғайни» пьесаларида болалар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ардоқланади. У адабий-танкидий мадолалар муаллифи сифатида «Наби Рахимов», «Абай ўланлари», «Ашулалар» каби кўплаб маколалар чоп эттирган. У таржимон ва носир ҳам эди.

Зафар Диёр 1946 йил 14 апрелда бевақт вафот этди. Унинг вафотидан кейин «Кичкина богбон хақида дoston» (1947), «Чаман» (1948), «Гунафша» (1952), «Асарлар» (1954), «Канотли дўстлар» (1958), «Сув билан сухбат» каби тўплам ва сайланмалари нашр этилди.